




- \* Муҳаммад ал-Мотуридий ҳаёти саҳифалари
- \* Маҳаллада ўсган ўзбекнинг рус боласи
- \* Уловни маст минадиган сурхондарёлик амалдорлар
- \* Қирқ уч йилдан сўнг кўр кўз очилди



# Туркистон

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 8 Апрель Шанба. № 28 (14310)

## Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг қурултойи қатнашчиларига

Хурматли қурултой қатнашчилари!

Сизларнинг бугунги анжуманингиз мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида теран ўзгаришлар юз бераётган, жамиятимизни демократлаштириш жараёни янги босқичга кўтарилаётган бир пайтда ўтаётгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Сафлариди миллионлаб кишиларни бирлаштирган Ўзбекистон касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат ижтимоий-иқтисодий, маънавий-интеллектуал ҳақ-ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминлаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда.

Касаба уюшмаларининг ўз фаолиятини янгиланаётган иқтисодий талабларига мувофиқ йўсинда ташкил қилиш, меҳнатқашлар кенг ижтимоий қатлами манфаатларининг ҳимоячиси сифатида ўзининг ҳаракат дастурини изчиллик билан ҳаётга жорий этишга интилаётгани эътиборга сазовордир.

Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масала - сиёсий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси, бошқа нодавлат ва жамоат тузилмалари қатори-

да, касаба уюшмаларига ҳам улкан масъулият юклайди.

Ишончим комилки, мамлакатимизда давлат, иш берувчилар ва касаба уюшмалари ўртасида шаклланиб келаётган барқарор ва самарали муносабатлар бундан буён ҳам ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ривожланиб бораверади.

Бу жараёнда меҳнат аҳлига моддий-маънавий кўмак бериш, уларнинг саломатлиги ва дам олиши билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, меҳнат қонуни ва жамоа шартномаларининг ижросини мунтазам назорат қилиш, жамоатчилик онгида ўзини ўзи бошқариш кўникмаларини тарбиялаш, одамларнинг ташаббус ва изланишларини рағбатлантириш айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Мана шу улкан вазифаларни амалга оширишда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш йўлида касаба уюшмалари сидқидилдан хизмат қиладилар, деб ишонаман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, куч-ғайрат, олижаноб ишларингизда янги муваффақиятлар тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Мен бир нарсага қаттиқ ишонаман: ёшларда шижоат бор, янгиликка интилиш бор, ихтиро қилишга, кашфиёт яратишга иштиёқ бор. Лекин уларнинг олдида катта бир тўсиқ турибдики, бу тўсиқни баъзан замбарак ўқи билан ҳам отиб қулатиб бўлмайди. Бу тўсиқнинг номи — бюрократия, таъмагирлик, маҳаллийчилик, уруғчилик.

Усиб келаётган ёшларга қулоқ солиши, мадад бериши лозим бўлган кўп мансабдорларда инсоф, диёнат йўқлиги ҳам шу тўсиқнинг бир кўринишидир.

**Ислом КАРИМОВ**



## Миллий мафкура — келажак пойдевори

6 апрель куни Оксарой қароргоҳида миллий мафкура масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, психолог, педагог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари бу йиғилишнинг асосий мақсади — жамиятимиз ҳаётидаги энг муҳим масалалардан хусусида атрофлича фикрлашиб, олдимизда турган вазифаларни аниқ белгилаб олиш, уларни ҳаётга жорий этиш йўлларини муҳокама қилишдан иборатлигини айтди.

Барчамизга аёнки, биз инсоният тарихида ўхшаши, андозаси бўлмаган мураккаб бир даврни бошимиздан кечиряпмиз. Яъни, нафақат иқтисодий ҳаётимизда, балки онгу тафаккуримизда ҳам янгиликлар, ўзгариш жараёнлари кечмоқда. Албатта, бу осонликча рўй бераётгани йўқ, деди Юртбошимиз. Бу йўлда эскича қараш-

лар, одамларимизнинг онгида эски замондан сақланиб келаётган мутелик ва куллик асоратларини, турли зиддиятлар, баъзан очикдан-очик душманлик кайфиятларини ҳам енгиб олға бораётганимизни ҳеч ким инкор этолмайди.

Миллий мустақиллик, озодлик йўли, эркин ҳаёт қуриш аслида мана шундай машаққатли бўлади. Бунга кўнра тарихдан ҳам, яқин ўтмишимиздан ҳам кўпдан-кўп мисоллар келтириш мумкин.

(Давоми 2-бетда)

### Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

“Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида” ва “Муқобил хизмат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунарига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан захирага бўшатилин.

2. 1973-1982 йилларда туғил-

ган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2000 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси**

**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2000 йил 5 апрель

# Миллий мафкура — келажак пойдевори

(Давоми. Аввали 1-бетда)

Бинобарин, йулбошчимиз таъкидлаганидек, мана шу ўзимиз танлаган мустақил таракқиёт йўлида аниқ марраларни кўзлаб яшашимизда, пировард мақсадимиз бўлган озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт куриш борасидаги интилишларимизда биз учун рухий-маънавий куч-қувват манбаи, илмий асос - бу миллий ғоя, миллий мафкура бўлиши шарт.

Мамлакатимиз истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Миллий мафкуранинг ҳаётимиздаги ўрнини белгилаш, унинг илмий-назарий асосларини яратиш, мафкураравий тарбия йўналишларини ишлаб чиқиш, шу асосда жамиятимизда ижтимоий фикрнинг шакллантириш мақсадида амалга оширилган ишлардан барча хабардор.

Шу боис ҳам Президентимиз миллий ғоя, миллий мафкура масалаларига доимий эътибор қаратиб, ўз асарлари ва нутқларида бу масалага алоҳида урғу бериб келди. Айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг бу борадаги қарашлари, фикр-мулоҳазалари йиғилиш қатнашчиларига тарқатилган янги тўпламда жамланган.

Бу мавзуга бағишлаб олиб борилаётган тадқиқот ишлари, изланишлар, нашр этилаётган китоблар, олимлар, ёзувчилар, маданият намояндларининг матбуот, радиотелевидениедаги чиқишлари, ўтказилаётган тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам бу масаланинг нақадар кенг қамровли муаммо эканини тасдиқлайди, деди Исло Каримов.

Албатта, олиб борилаётган ишларимиз, қарашларимиз барчаси бир хил савияда бўлмас-да, уларнинг орасида жиддий ёндашувга асосланган, кишида фикр уйғотадиган изланишлар ҳам борлиги диққатга сазовор.

Мана шу чиқишларда билдирилаётган фикр ва қарашлар баъзан бир-бирига уйғун келмаслиги, айрим жойларда бир-бирига қарама-қарши бўлиши ҳам табиийдир. Лекин шу ҳолат замирида ҳам, бу борада олиб борилаётган ишларнинг маъно-мазмунидан ҳам бугун халқимиз бошидан кечираётган ҳаёт учун бу масаланинг нечоғли долзарб эканини, унинг моҳиятини англашга катта қизиқиш ва интилиш мавжудлигини кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилигимизнинг маълум бир қисми ҳали-ҳануз бу жараёндан узоқ турганини ҳам инобатга олишимиз ва бундай ҳолатдан тегишли хулосалар чиқаришимиз зарурлигини қайд этди.

Исло Каримов бу борадаги фикрларини баён этиб, авваломбор, ўзининг келажакни кўрмоқчи ва кўрмоқчи бўлган ҳар қандай давлат ёхуд жамият, албатта ўз миллий ғоясига суяниши ва таяниши кераклигини таъкидлади. Зеро, давлат тизими, уни бошқариш ва олиб борилаётган сиёсат аввало аниқ ва равшан ифодаланган мафкура асосига қурилмоғи лозим. Ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйи-

ши муқаррар.

Иккинчидан, бугун биз тарихий ўзгаришлар даврида - яъни мустақил, тоталитар бир тизимдан эркин ва озод тизимга ўтиш шароитида яшамоқдамиз. Бу ўтиш даврида халқимиз ўзига хос, жуда катта ғоя ва тўсиқларга дуч келиши, бу жараён катта курашлар орқали кечиши барчамиз учун аён бўлмоғи даркор. Халқимиз ва жамиятимизни мана шу даврдаги янги уфқлар сари бошлаш, давват қилишда мақсадларимиз аниқ бўлиши керак. Йулбошчимиз бундай мақсадларга аввало чуқур ўйланган ва пухта ишланган мафкура асосидагина етишиш мумкинлигини уқтирди.

Ўрта ва катта ёшли авлод эски тизим даврларини бошидан кечирган ва охиригун йил давомида қандай оғир йўллари босиб ўтганимиздан хабардор. Учинчи масала шундаки, энди вояга етаётган ёшларимизни нима билан, қандай ғоя ва мафкура билан тарбиялашимиз керак? Улар қандай ғоя асосида, қандай ғоя негизидан тарбия олиши, қандай эзгу мақсадларга интилиши керак? Қандай мафкура ва тафаккур улар учун қурол бўлиб хизмат қилмоғи лозим?

Тўртинчидан, тарбиявий-ахлоқий масалаларда, маънавий ҳаётда, керак бўлса, миллий манфаатларимизга мос келадиган сиёсатни изчил олиб боришда ўз йўлимизни йўқотмаслигимиз учун ғоявий бўшлиққа йўл қўймаслигимиз даркор, деди Президент.

Нега деганда, бугун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилмоқда ва бу курашда энгил учун жуда катта маблағ, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда.

Шундай вазиятда ёшларимизнинг баъзан сохта ғоялар орқасидан эргашиб кетаётгани биз учун катта хавфдир. Шу сабабли ҳам биз учун ўзимизга сувдек, ҳаводек зарур бўлган миллий ғоя, миллий мафкура керак.

Юртбошимизнинг фикрича, миллий ғоянинг яна бир муҳим аҳамияти шундан иборатки, у миллатимизнинг, халқимизнинг ўзлигини англашига, ўзининг миллий қадриятларини, урф-одатларини йўқотмасдан, уларни тиклаб, авайлаб, эъзозлаб, янги, ўсиб келаётган авлодга етказиб бериш учун хизмат қилиши керак.

Олтинчидан, миллий ғоя олдида қўйиладиган асосий талаблар ҳақида гапирмоқчи бўлсак, аввало унинг икки суянган тоғи - таянчи ҳақида фикр юритишимиз зарур.

Исло Каримов миллий мафкурамиз, биринчи навбатда, халқимизнинг азалий анъаналарига, удумларига, тилига, динига, руҳиятига, бир сўз билан айтганда, миллий қадриятларимизга, халқимизнинг дунёқараши ва тафаккурига асосланиб, шу билан бирга, замонавий, умумбаршарий, умминсоний ютуқлардан озиқланган, уларни ўзига қамраб олган ҳолда, юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ манфаати ва фаровонлиги йўлида хизмат қилмоғи даркорлигини айтди.

Еттинчи масала - миллий мафкура ҳеч қандай шаклда давлат мафкураси мақомига кўтарилмаслиги, айланмаслиги керак. У жамиятимиздаги қарашлар ранг-баранглиги,

ғоялар хилма-хиллигини сақлаган ҳолда, уларни бир-бири билан курашишига, баҳслашувига, ҳар қандай партия, ҳаракат, ҳар қайси инсон, фуқаронинг ўз фикрини эркин ифода этиши ва уни ҳимоя қилишига зиён ёки таъйиқ кўрсатмаслиги лозим.

Лекин, шу билан бирга, миллий ғоя давлатимиз, жамиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк келажак барпо этишдек эзгу мақсадга эришиш ва ҳақон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона байроқ, ягона бирлаштирувчи куч-қанот бўлиши шарт, деди давлатимиз раҳбари.

Йиғилишда сўзга чиққан "Ҳақон адабиёти" журнали бош муҳаррири, таниқли адабиётшунос О.Шарафидинов, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмад, Ўзбекистон файласуфлар жамияти раиси И.Раҳимов, Тошкент шаҳар бош имом хатиби А.Турсунов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов ва бошқалар миллий ғоя ва миллий мафкура масаласи мамлакатимиз истиқболли, келажакни белгилашда жуда муҳим омил эканлигини таъкидладилар. Бу борада таълим-тарбия жараёнини такомиллаштириш, чуқур илмий тадқиқотлар олиб бориш, зиёлилар билан дин вакиллари ўртасида доимий ҳамкорликни йўлга қўйиш, буюк аجدодларимиз меросини ўрганиш ва тарғиб этиш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш, маънавий-маърифий ишларни янги босқичга кўтариш катта аҳамият касб этади.

Президент Исло Каримов йиғилишни яқунлар экан, бу борадаги муаммолар негизига етиб бориб, миллий мафкура концепциясини тайёрлаш билан бевосита шуғулланганидан гуруҳ тузиш таклифини билдирди.

Бу гуруҳ миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида ҳозиргача эълон қилинган тадқиқотлар, китоблар, матбуотдаги чиқишларни, йиғилишда баён этилган фикр-мулоҳазаларни умумлаштириши, яхлит бир илмий концепция ҳолига келтириши керак.

Бу ишни кечиктирмай амалга ошириш даркор, деди Юртбошимиз. Чунки биз миллий мафкура концепцияси ҳақида кўпдан бери гапиряпмиз-у, лекин ҳалигача аниқ бир махсул йўқ. Энг муҳими, биринчи навбатда ўқув масканларида, олий ўқув юртиларида таълим-тарбия олаётган болаларимиз учун аниқ ва равшан, шу билан бирга, таъсирчан ўқув қўлланмалари, дарсликлар тайёрлаш, уларни амалиётга татбиқ қилиш бугунги кундаги энг долзарб масала деб биламан.

Исло Каримов жамиятимизда фидойи, билимдон, ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга бўлган зиёли одамлар кўплигига ишонч билдирди. Эндиги вазифа - уларнинг интилиш ва ташаббусларини бир нўқтага жамлаш, бир мақсад сари йўналтириш, шу асосда миллий мафкурамизни ривожлантириш ва халқимиз онгига сингдиришдан иборат.

Бехзод Усмон  
(ЎЗА)

14-16 апрель кунлари кўҳна Шаҳрисабз шаҳрида Ўзбек кураши бўйича Амир Темур хотирасига бағишланган Президент соврини учун III анъанавий халқаро турнир ўтказилди. Унда маҳаллий полвонларимиз қатори Россия, Польша, Туркия, Исроил, Болгария, Озарбайжон, Грузия, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Литва, Латвия каби йигирмадан ортиқ мамлакатларнинг сара паҳлавонлари мутлақ вазн тоифасида голиблик учун беллашдилар

— "Соғлом авлод йили" кириб келиш арафасида Латин Америкаси Кураш конфедерацияси ва Япония Кураш федерацияси раҳбарлари жорий йилни ўз ҳудудларида "Ўзбек кураш йили" деб эълон қилгани бежиз эмас, - деди Халқаро кураш Ассоциацияси Халқаро алоқалар ва спорт департаменти директори Боймурод Юсупов "Туркистон-пресс" мух-

биринчи ҳақон чемпионати (Твер) курашимиз тарихида унутилмас воқеалар бўлиб қолади.

Айни чоғда Амир Темур хотира турнири ташкилий қўмитаси ва Қашқадарё вилояти ҳокимлиги томонидан нуфузли беллашувга тайёргарлик қизгин кечаётди.

**Бизнинг маълумот:** Амир Темур хотирасига бағишланган

## ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ ПОЛВОНЛАРГА МУНТАЗИР



Бўлажак таэквандо юлдузлари

бирига. -Дарҳақиқат, 2000 йил Ўзбек кураши учун мусобақаларга бой бўлиши кутилмоқда. Дунёнинг кўплаб мамлакатига қизгин беллашувлар бўлиб ўтди. Ҳозироқ мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси гурунланса, фахрланса арзийдиган жараёнлар кечяпти. Шу йилнинг ўзида Канада, Белоруссия, Англия, Грузия, Ҳиндистон мамлакатларида Кураш федерацияларининг фаолияти бошланиши ҳамда Буюк Британияда Ўзбек кураши бўйича биринчи Қироллик чемпионати ўтказилиши таҳсинга сазовордир. Буюк бобокалонимиз Амир Темур хотирасига бағишлаб ўтказилаётган учинчи анъанавий мусобақада ҳам ҳақоннинг манамен деган, кураги ер кўрмаган ўғлонлари бир-бирларига рўбарў бўлишади. Шунингдек, май-ноябрь ойлари ичида Канадада ўтажак халқаро турнир ҳамда Канада — Ўзбекистон ўртоқлик беллашувлари, Япония очик чемпионати, Санта-Круз кубоги (Боливия), Доминикан Республикасидаги халқаро мусобақа, эркак ва аёллар ўртасидаги иккинчи Европа чемпионати (Польша), ўсмир ва қизларнинг

халқаро турнир 1992 ҳамда 1996 йилларда ўтказилган. Аввалги икки турнирнинг голиби Ўзбекистонлик Абдуқодир Пирматов ҳамда Баҳром Авазов бўлишган. Бўлажак халқаро мусобақа Президент соврини учун ҳам, Амир Темур хотираси учун ҳам учинчиси ҳисобланиб, дастлабки Президент соврини учун 1998 йилдаги "Жар" (Тошкент)да кечган баҳсларда курашимиз ҳақон омаси томонидан эътироф этилди. Унда: Салим Татар ўғли (Туркия) биринчи, Давид Хохолошвили (Грузия) иккинчи, Индрек Пертелсон (Эстония) учинчи ва Рамаз Чачашвили (Грузия) тўртинчи ўринларни банд этишганди.

Иккинчи Президент соврини учун халқаро турнир Термиз шаҳрида 1999 йил октябрь ойида ўтказилди. Унинг голиблари:

1. Тоштемир Муҳаммадиев (Ўзбекистон).
2. Павел Малаванец (Польша).
3. Достон Примкулов (Қирғизистон).
4. Хироеши Камимото (Япония).

"Туркистон-пресс"

# БАЛОҒАТ ЁШ ТУЙҒУЛАРИ

Не-не тонгинг изғирин захрини ютган юртнинг осмони бугун мусаффо. Юлдузларга қалқон бўлган тупроғи эса муқаддас.

Юнусободда бунёд этилаётган "Шахидлар хотираси" майдонида кўз кўрганда қувонарли ишлар қилинмоқда. Уртада сокин Бўзсув оқади, гўё шахидларнинг мунглирини бағрига синдириб адабиётингни, Чўлпон, Фитрат, Қодирий... ларни асролмадим, деяётгандек.

Кўприкдан ўтар эканман майдоннинг ҳар томонида иш қайнайди. Ишчиларнинг кўлиқўлига тегмайди. Хатто улар билан "Хорма!", "Бор бўл" дан бошқа сўзга ўтишининг имкони йўқ. Чунки вақт тигиз... Кечгача қайсидир ишни қилиб улгуриш керак.

Кутилмаганда орқа томонда катта машина келиб тўхтади. Ҳашарчилар экан, ўзларини таништиришди:

Акмал РИХСИЕВ — Тошкент шаҳар йўл қурилиши трести бошқармасининг бош муҳандиси:

— Майдоннинг саксон

## ШАҲИДЛАР ЁДИ

фоиз иши бажарилди, десам хато қилмайман. Мана, ёдгорлик мажмуи билан аҳоли яшайдиган даҳани боғлаб турувчи иккинчи кўприк қурилиши ҳам якунланади деб қолди. Майдоннинг атрофи яқин уч кунда тўла асфальтланиб бўлинади. Трестимиз йигитлари билан Ватанимиз мустақиллиги йўлида шахид кетган аждодларимиз, ота-боболаримиз хотирасини абадийлаштириш учун меҳнат қилаётганимиздан фахрланамиз.

Атрофдаги йигитларнинг ҳам юрагида шундай самимий сўзлар борлигини, уларнинг нигоҳидан, ҳар қандай ишга тайёрмиз, дегандек туришидан сездик.

Зокиржон РАСУЛОВ:

— Ҳашарга келганимизда бу ерни кўриб, тўғриси иш кўплигини кўриб, ваҳимамиз келганди. Аммо, кўз кўрқоқ қўл ботир деганлари рост экан. Ўз кўлимиз билан бунёд этилаётган ажойиб манзарага энди ўзимиз ҳам мафтун бўлиб қоляпмиз...

Зокир ақанинг қувонганича бор. Ёдгорлик мажмуи қурилиши кун сайин шитоб билан давом этаяпти. Ёрдамга келаётган ҳашарчиларнинг сидқидилдан ишлаётгани меҳнат самарадорлигини оширмоқда.

Майдон ўртасига мовий гумбазли ҳавоза шаклидаги ёдгорлик ўрнатиш учун пардозлаш ишлари олиб борилляпти. Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ҳар шанба умумхалқ ҳашари уюштирилиши мўлжалланган. Ҳашарчиларнинг мақсади битта: 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига ёдгорлик ёдгорлиги хотира майдони қурилишини тугатиб, шахидлар руҳини шод этиш. Ота-боболаримиз шаънига тўхмат тошлари отилганини, минг афсуски кеч англадик.

ЗИЁДА,  
"Туркистон" мухбири

"Сиз ўз-ўзингиздан, биз кеча ким эдигу, энди ким бўлдик, деб сўраб кўринг. Сўнг фикр юритинг. Ана шунда истиқлолимиз моҳиятини тўғри тушуниб етасиз!" деди Президентимиз талаба ёшлар билан суҳбатида. Ҳар бир йигит-қиз ҳаётини гоёларимизни теран англагандагина ўзини идрок этади, келажаги ҳақида ўйлайди, дунёга ўзгача нигоҳ билан боқади. Аслида чуқур тафаккур, ҳуқуқий илм, чин инсоний фазилатлар янги давр кишисини камолга етказиши керак. Демак, ҳар биримиз камил инсон бўлмоқликни олдимизга мақсад қилиб қўйишимиз шарт. Ана шу мақсад йўлида, бу кун биз маънан баркамоллик пиллапоёлари сари илгариларимизми? Улуғ аждодларимиз каби тўғри яшаш қоидаларидан огоҳимизми? Нима учун кун кечиряпмиз? Нима учун ўқияпмиз? Қай манзиллар томон интиляпмиз?

Тошкент Давлат юридик институти қошидаги Академик лицейнинг ўқувчилари билан суҳбатимиз худди шу мавзулар атрофида бўлди. Балоғат ёшига эндигина қадам қўяётган бу йигит-қизлар анча билимдон, қизиқувчан ва зийрак экан. "Мен ўқувчи ёшларимизга битта фикрни кўп уқтираман. У ҳам бўлса, маънавий маданиятни ўз-ўзида шакллантириш заруриятидир - дейди лицей директорининг ўринбосари Хосият Узоқова. - Маънан баркамолликка эришишда бунинг аҳамияти катта. Негаки, маънавий заифлик жохилликни келтириб чиқаради. Ҳуқуқий билимдан беҳабар киши эса турмушининг паст-баланд сўқмоқларида йўлини йўқотади. Бугунги талаба учун турли илмларни эгаллашнинг

ўзи кифоя қилмайди. Балки у илмнинг ҳаётдаги аҳамиятини ҳам билиб бориши керак!"

"Ҳуқуқшунос қандай фазилатларга эга бўлиши лозим?" Лицейда ўтказиладиган кўплаб баҳс-мунозаралар мазмунида худди шу мавзу етакчилик қиларкан. Мен ҳам дастлаб бўлажак ҳуқуқшуносларга шу савол билан мурожаат этдим...

**Музаффар Азизов:** — Жуда кўплаб фазилатларни санаш мумкин. Яъни, тўғрилиқ, ориятлиқ, вазминлик, ҳақгўйлик, соф

*Ўқувчилар билан суҳбат*

в и ж - донлик, камтарлик... булардан ҳам муҳимроғи, биз аввало юртпарвар бўлишимиз лозим. Ахир ўйланг, киши ақлан ва жисмонан етук бўлсаю, юрагида юртга муҳаббат жўш уриб турмаса, уни ҳақиқий инсон деб бўлармикин? Менимча, йўқ!

**Жамила Раҳимова:** — Музаффарнинг сўзларига қўшимча қилмоқчиман. Етук ҳуқуқшунос бўлишни ният қилган одам ўзини руҳан тарбиялаши керак. Руҳий тарбиянинг асосида эътиқод, иймон тушунчалари ётади. Бу тушунчалар инсонни тўғри йўлга бошлайди. Эътиқодни йўқотиш эса ўзликни йўқотиш билан баробар...

**Анвар Нурматов:** — Ҳа, эътиқоди мустаҳкам киши ҳалол фикрлайди, тўғри

иш тутади. Боболаримиз ҳам кучли эътиқод билан яшаб, ҳамиша ўз иймонларига содиқ қолишган. Ор-номусли, ориятли бўлганлар.

**— Ёшлар мустақил фикрлаши керак деймиз. Шу тўғрими?**

**Жамшид Бобоев:** — Бўлма-са-чи! "Фикринг гарчи унча етилмаган, бироз гализ бўлса-да, у соф мустақил бўлсин" деган экан бир олим. Ҳаётдаги ҳар бир воқеа-ҳодиса ҳақида ўз фикримизга эга бўлсак, онгимизда таҳлил қилиш, мушоҳада этиш қобилияти кучая боради.

**Дилором Зиёева:** — "Мустақил бўлмаган

одам — кимгадир тобе, иродасиз, Бундай одам инсоний жамиятнинг мустаҳкам биносини қуролмайди!" деган фикрни ўқигандим журналда. Фикримиз ва сўзимиз ўзимизники бўлганига не етсин...

**— Журъат нима?**  
**Адиба Муқимова:** — Айтайлик, киши кўнглида бирор эзгу фикр туғилса, у бу фикрни дадил кўтариб чиқолмаса! Демак, журъатсизлик қилган бўлади. Шу баробарида ташаббуси сўнади. Менимча, журъатсизлик — ожизлик белгиси!

**Мухайё Умарова:** — Журъатсизлик — бу қўрқоқлик...

**Гулноза Йўлдошева:** — Тушунчаси кенг, билими чуқур одам ҳеч вақт журъатини бой

бермайди. Журъат жасоратга йўл очади.

**— Ўз мамлақати билан гурурланадиган инсонлар жуда кўп нарсаларга қодир деганди Ислоҳ Каримов. Миллий гурур туйғуси қандай пайдо бўлади?**

**Жаъфар Муборақов:** — Мустақиллик йилларида ўз тарихимизни ўргандик, буюк алломаларимизни танидик, миллатимиздан гурурлана бошладик. Бу туйғу биз ёшларга куч беради!

**Шерзод Алиев:** — Бизнинг Сурхон воҳамизда ўтган йили "Алломиш" достонининг минг йиллиги бўлди. Бу достонда мардлик, садоқат, ўқтамлик ва довуораклик каби ўзбекона фазилатлар етакчи. Шу сингари кўплаб маънавият хазиналари бизнинг гуруримизга, фахримизга айланиб, неча минг йиллар яшайди, ҳали...

**— Амир Темури бобомиз "Куч — адолатда!" деган эканлар...**

**Наврўз Исаев:** — Манбаларда ёзилишича, улуғ бобомиз тўққиз ёшларидаёқ кўчадаги болалар ўртасида низо туғилганда ҳакамлик қилган экан. Кейинчалик жангу-жадалларда ҳам адолат кучи билан ғолиб бўлган. Ҳатто ўз Тузукларида "Адолат эмас, адолат енгади!" деб алоҳида таъкидлаган.

**Муштарий Олимбоева:** — Ҳа, улуғ бобомиз ҳуқуқ илмига суяниб иш юритганлар. Президентимиз Амир Темурнинг машҳур таъбирига "Куч — билим ва тафаккурда!" дея қўшимча қилган. Чиндан ҳам чуқур тафаккур ва ўткир фикр билангина чинакам адолатли жамиятни қура оламиз.

**— Ёшлиқнинг гўзал ҳиссиёти — муҳаббат ҳақида сўзлашмадик?**

**Фотима Алимова:** — Менимча, севги — гард тегмаган гул. Уни ғуборлардан асраш керак.


**Зебо Ёқубова:** — Муҳаббат ҳаммага ошқор этилавермайдиган дард. Шундай экан, у сирлигича қолгани маъқул.

**Зилола Холиқова:** — Севги ҳақида ўйлаш балки биз учун эртадир...

**Чарос Ҳамроева:** — Севги қиз ё йигитнинг ёши, шахсий режалари билан ҳисоблашиб ўтирмайди, кўнглига бирданига кириб келади!

**Жаҳонгир Мансуров:** — Севгидан эҳтиёт бўлиш эмас, уни олқишлаш керак. Ахир у юракка эзгулик, поклик олиб киради! ...Ниҳоялаш мушкул бўлган ранг-баранг мавзулар ушбу суҳбатимизга жўшқинлик киритди. Умуман, ёшлар баҳсини ниҳоялаб бўлармикин, ўзи? Йўқ! Негаки, балоғат — қайноқ фикрлар, тиниқ орзулар, сўнгсиз эзгу-ҳаваслар фасли. Зеро, биз бу эзгуликларни ҳамиша қадрлашимиз зарур.

Гулчехра ЖАМИЛОВА



Мустақиллик шарофати билан туризм соҳасида катта ютуқларга эришяпмиз. Ўзбекистон ўзида шарқона меҳмондўстликни ҳамда Фарб хизмат кўрсатиш стандартларини мужассамлаштиришга ҳаракат қил-

катимизда бу соҳани тез суръатлар билан ривожлантиришга қаратилган халқаро дастурни тузди. Дастур беш йилга мўлжалланиб, унинг мақсади кўпроқ сайёҳларни жалб этиш, туризм саноатини Ўзбекистон иқтисо-

Саёҳат тизими Ўзбекистондаги янги соҳаларни ҳам эгалламоқда. Масалан, бир неча йил олдин Фарғона водийсига йилига 50-60 нафар сайёҳ ташриф буюрган бўлса, 1998 йилга келиб бу кўрсаткич 2800 на-

янада кенгайди.

Президентимизнинг ёшларнинг чет элда таълим олишларини қўллаб-қувватлаш "Умид" жамғармаси яқинда учта янги йўналиш (туризм менежменти, туризм маркетинги, туризм сервис) бўйича танлов эълон қилинган ҳам бежиз эмас.

Чунки туризмнинг келажаги порлок, негаки бизнинг бу соҳадаги имкониятимиз катта ва улкан. Кам сарф талаб қилиб, кўп фойда келтирувчи ушбу соҳани ривожлантириш бизга анча даромад келтиришини ҳар бир ёш унутмаслиги зарур.

**Иброҳим МАҲМУДОВ,**  
**Тошкент давлат Техника университети**  
**3- курс талабаси**

## ТУРИЗМ — ТАРАҚҚИЁТ ҚАНОТИ

моқда. Бозор муносабатлари шароитида у миллий иқтисодиётнинг ривожланишида асосий аҳамиятга эга. Ҳозирда бир неча юзлаб Ўзбекистондаги корхоналар бундай фаолият билан шуғулланмоқда.

"Ўзбектуризм" миллий компанияси халқаро туризмга оид нуфузли хорижий ташкилотлар билан мамла-

диётда энг фойдали соҳага айлантириш, ҳамда дунё бозорига чиқа оладиган рақобатли туризм тизимини яратишдан иборатдир. Бундан ташқари турли хил туристик ашёларнинг сифатини яхшилаш, хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, реклама тизимларини ривожлантириш дастурининг асосини ташкил қилади.

фардан ошди.

Республикамизда маданий меросимизни сақлаб, тарихий обидаларимизнинг тикланиши хориждан келган меҳмонларнинг диққатини тортмоқда. Сўнгги йилларда кўплаб меъморий обидалар таъмирланди. Утган 9 йил ичида бундай таъмирлаш ва ободончилик ишларининг қўлами

# "КАМОЛОТ" — ЁШЛАР ТАЯНЧИ

**Бухоро вилоят бўлими раиси Ж.ИЗЗАТОВ:**

1. Ҳозир вилоятда 1016 та жамоатчилик марказлари фаолият кўрсатяпти.

1999 йили 3 апрелда вилоят ҳокими "Ёшларни мустақиллик ғоялари руҳида тарбиялаш ва уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш тўғрисида" қарори ҳамда 1999-2000 йилларга мўлжалланган амалий ишлар Дастурини қабул қилди. Натижада вилоятда йирик ташкилот, корхона, муассаса, жамоа ва ширкат хўжаликлариди ёшлар билан ишлаш учун кенг имкониятлар юзага келди. Ўтган йили 18-19 февраль кунлари вилоятда "Соғлом авлод — миллат кўзгуси" мавзусида кўргазмани республика ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда вилоятлардан маънавият ва хотин-қизлар масалалари бўйича раис ўринбосарлари, шунингдек, жамғарманинг Бухоро вилояти шаҳар ва туман бўлимлари раислари, халқ таълими бўлимлари, жамоатчилик марказларининг масъул ходимлари иштирок этдилар. Шу йил 2000 йил июнь ойида ҳам вилоятда яна бир мактаб ва маҳалла ҳамкорлигига бағишланган республика ўқув семинари режалаштирилган.

2. Бўлимимиз вилоят меҳнат, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси билан ҳамкорликда "Меҳнат ярмаркалари" ўтказиб, ўтган йилларда 9494 нафар ёшларни ишга жойлаштирди.

3. Қишлоқ ёшлари билан "Кураш — менинг ифтихорим!" ойлиги, "Камолот — кубоги" соврини учун футбол, баскетбол мусобақалари ўтказилди. Қишлоқ фуқаролар йиғинида ва маҳаллалар қошида қизлар клублари, "Фидойилар" клублари ташкил қилинган. Уларда ёшлар билан баҳс-мунозара кечалари, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Қишлоқ ёшлари ўртасида "Сиз тарихни биласизми?", "Сиз қонунни биласизми?" танловлари ўтказилмоқда.

4. Вилоят ёш хунарманд усталари ўртасида "Йилнинг энг яхши ёш устаси" кўрик-танлови ўтказилди.

5. "Бухоротекс" ҳиссадорлик жамияти жамоатчилик маркази ёшларни спортга жалб қилиш мақсадида волейбол, футбол, баскетбол бўйича "Камолот — кубоги" соврини учун мусобақалар ўтказиб келинмоқда. Бундан ташқари ёш ишчиларни маънавий соғлом, ижтимоий фаоллигини ошириш учун "СПИДга қарши кураш" мавзусида ўқув семинар ўтказилди. Хотин-қизлар ўртасида шеърхонлик, баҳс ва мунозара кечалари, "Қизлар давраси", "Моҳир тикувчи" кўрик-танловлари ташкил қилинган.

6. Вилоятда иқтидорли ёшлар билан алоҳида дастур асосида иш олиб борилмоқда. Иқтидорли ёшлар лицейлари, гимназиялар, фанларни чуқур ўзлаштиришга ихтисослашган синфлар ташкил этилган. Ёшлар учун инглиз, француз, немис тилларини мукаммал ўргатувчи ўқув курслари фаолият кўрсатмоқда. Фаол ўқувчиларга "Камолот" жамғармаси стипендияси ажратилган. Вилоятда иқтидорли ёшлар ахборот банки ташкил қилинган. Болалар ва ўсмирлар ижодиёти маркази билан ҳамкорликда турли хил йўналишлар бўйича матбуотда асарлар чиқариш учун амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Афсуски, бугунги кунда фаолиятимизни янада ривожлантиришга баъзи тўсиқлар бор. Айрим корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарлари ханузгача ёшлар муаммоларига, жумладан, ёшлар ташкилотига лоқайдлик билан муносабатда бўлмоқдалар.

*Ҳадемай республика Президентининг Ёшларнинг Камолот жамғармаси тўғрисидаги Фармони қабул қилинганга тўрт йил тулади. Шу муносабат билан Туркистон жамғарманинг бир неча вилоятлари раҳбарларига саволлар билан мурожаат этган эди. Қуйида уни эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз*

**Жиззах вилоят бўлими раиси**

**Ғ.ҚАРШИБОВ:**

1. "Камолот" жамғармаси Жиззах вилояти бўлимининг 1 та шаҳар, 12 та туман бўлимлари, 596 та жамоатчилик марказлари бўлиб, улар бугунги кунда вилоят халқ таълими, ҳуқуқ-тартибот идоралари шунингдек, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари билан ҳамкорликда кўплаб ишларни амалга оширмоқда.

Жумладан, "Дин ва ёшлар", "Касбим фаҳрим", "Энг намунали оила", "Сиз қонунни биласизми?", "Сиз тарихни биласизми?", "Шунқорлар", "Ёшлар ижоди-2000 йил", "Қувноқлар ва зукколар", "Иқбол" каби тадбирлар ва уларни қизиқтирадиган мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар ҳамда қизиқарли кечалар ўтказмоқда.

2. Жамғарма ёшларни иш билан таъминлашда вилоят Меҳнат бошқармаси билан ҳамкорликда ҳар йили "Меҳнат ярмаркалари" ўтказмоқда. Ўтган йили мурожаат этган 3600 нафар ёшлардан 2740 нафари иш билан таъминланди. Шунингдек ёшлар шаҳар, туман бўлимлари қошида ташкил этилаётган фирма, кичик корхона ва фермер хўжаликларига ҳам жалб этилмоқда.

3. Вилоятимизнинг асосий қисми тоғли ҳудуд бўлган-

1. Булим ёшлар билан ишлашда қандай тажрибага эга?
2. Ўтган йили қанча ёшни иш билан таъминлашга ҳисса қўшилди?
3. Қишлоқ ёшлари ўртасида қандай тадбирлар ўтказмоқдасиз?
4. Ёш тадбиркорлар, ишбилармонлар "Камолот" жамғармаси эътиборидамми?
5. Вилоятда иқтидорли ёшлар билан қандай ишлар амалга оширилмоқда?
6. Бугунги кунда ёшларни қийнаётган муаммолар?

лиги сабабли ҳам 50 фоиз ёшлар қишлоқда истиқомат қилади. Шундай бўлсада улар билан ҳам юқоридаги каби ижобий натижа берувчи тадбирлар ўтказилмоқда. Бундан ташқари ҳар йили ўтказилаётган "Камолот" футбол кубоги учун беллашувлар қишлоқ ёшлари орасида ўзига хос қизиқиш билан қаршиланаяпти.

4. Жамғарма ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Камолот-Бек", "Камолот-Бахтиёр", "Камолот-Файз", "Камолот-Кмит", "Камолот-Бунёд" каби фирмалар ташкил этиб уларда зардўзчилик, хунармандчилик, деҳқончилик ҳамда меъморчилик каби соҳаларга ишбилармон ёшлар жалб қилинапти. Шунингдек, тадбиркорлар кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритмоқда.

5. Вилоятимизнинг 450 та умумтаълим мактабларида "Фидойилар клуби" ташкил этилиб, ушбу клубга иқтидорли ёшлар жалб қилинмоқда. Иқтидорли йигит-қизларни рағбатлантириш мақсадида жамғарма бўлимлари томонидан талабаларга "Камолот" стипендияси берилаяпти. Вилоят бўлими қошида "Ёшлар клуби" очилиб, унга иқтидорли талаба-ўқувчилар аъзо қилинган. Уларнинг иштирокида ҳар хил кечалар, тадбирлар, тарихий шаҳарларга саёҳатлар уюштирилмоқда.

6. Бугунги кунда ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари, маданий дам олишлари ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитнинг етишмаслиги ёшларнинг асосий муаммоларидан ҳисобланади.

Жамғарма бугунги кунда уч Низом вазифаларидан келиб чиқиб бир қатор ишларни амалга оширмоқда. Шунингдек, ёшларни қизиқтирган ва улар томонидан кўтарилган ижобий таклифларни қўллаш каби ишларимиз уларнинг ичига кириб боришимизга қўл келмоқда.

**Навоий вилоят бўлими раиси Ф.НАЗАРОВ:**

1. Ёшлар онгида мафкуравий бўшлиқ бўлганлиги сабабли турли диний оқимлар таъсирига тушиб қолмоқдалар. Шу сабабли 1999-2000 йилларда жамғарма турли ташкилотлар билан ҳамкорликда дастур ишлаб чиқиб, "Огоҳлик давр талаби", "Дин ва ёшлар", "16 февраль сабоқлари", "XXI аср ёшлари" ва бошқа кўплаб мавзуларда суҳбат, ошкора мулоқот учрашувлари ўтказиб келинмоқда.

2000 йил "Соғлом авлод йили"да кўпроқ ёшларимизни жисмонан, маънавий жиҳатдан соғломлаштириш масалаларига асосий эътибор қаратилади.

2. Ёшларни иш билан таъминлашда асосан анъанавий "Меҳнат ярмаркалари" ўтказиш, жамғарманинг ички имкониятларидан келиб чиқиб, янги иш ўринлари ташкил этишга эътибор қаратилмоқда. Ўтган 1999 йилда "Меҳнат ярмаркалари" туфайли мингдан ошиқ ёшлар иш билан таъминланди.

3. Қишлоқ, маҳалла ёшлари ўртасида футбол, миллий кураш ва бошқа анъанавий спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Бу борада маънавий-маърифий тадбирлар, ёшларимизнинг ўқимайдиган ва ишламайдиган қисми билан учрашувлар, мулоқотлар ўтказишга, турли оқимлар таъсирига тушмаслигининг олдини олиш борасидаги тадбирларга янгича руҳ беришга ҳаракат қилинмоқда.

4. Вилоятдаги тадбиркорлар, ишбилармонларнинг кўпчилиги жамғарма билан узвий алоқада.

Вилоятнинг "Ташаббус" кўрик-танловида иштирок этишни хоҳлаган ёш тадбиркорлар, фермерларга жамғарма бўлимлари томонидан кўмаклашилмоқда.

5. Вилоятда иқтидорли ўқувчилар учун "Камолот" стипендиялари таъсис этилган. Чет элларда таълим олаётган навоийлик ёшлар билан 1999 йил 8-9-10 июнь кунларида вилоятнинг ўқув даргоҳлари, туман, қишлоқларида учрашувлар ташкил этилди. Бундай ёшларни кўпайиши учун, уларни тарбиялаш, қўллаб-қувватлаш мақсадида, халқ таълими ва бошқа таълим муассасалари билан амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Иқтидорли ёшлар банкни ташкил этиш, вилоятдаги ижодкор ёшларни аниқлаш, ижод намуналарини чоп эттириш масалаларида иш олиб борилмоқда. Навоийда ёш олимлар гуруҳи ташкил этилган.

6. Жамғарма бўлимларида меҳнат қилаётган кўплаб ходимлар фидойи ёшлардир, ойлик маошларини ойлаб олишмаса ҳам ишламоқдалар, чунки жамғарма хўжалик ҳисобида фаолият юритади. Жамғарманинг туман ва шаҳар бўлимларида 4-5 нафар ходим ишлайди. Уларнинг ойлик маошларини маҳаллий бюджетлар ҳисобидан тўлаш масаласи ҳал этилса, турли тадбирлар, ҳомийлик учун жамғарма маблағини ўзи қидириб топиши учун имконият топила эди.

Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ёшларимизни юрт фидойилари қилиб тарбиялаш доимий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Бир ой давомида Термиз шаҳар ички ишлар бўлимига қарашли давлат автомобиль назорати бўлими ходимлари ажабтовур ишларга, хангомаларга дуч келдилар. Чунки вилоятнинг гавжум йўлларида у ёки бу идорада мансабдор шахс бўлса-да, ичиб, кайф қилган ҳолда автоулов ҳайдаб юрган одамлар оз эмас экан. Шаҳар Давлат автомобиль назорати бўлими бошлиғи, милиция катта лейтенанти Кенжа Маманоров шундай деди:

— Тадбир энди бошланган, аниқроғи, 4 март куни ДАН нозир, кичик сержант Ш.Жўраевга "ИЖ-2715" русумли давлат

белгиси 19 АА 151 шахсий автоуловни ширакайф ҳолатда бошқариб келаётган Термиз газлаштириш идораси бошлиғи Худойназар Холматов рўбарў бўлди. Маст ҳолда улов бошқариб келаётгани ўз йўлига-ю, нозирга кўзини чақчайтириб, дағдаға қилганини айтмайсизми? Кошки бундан ўзига бирон-бир фойдали иш чиқса! "Пахтасаноатсотиш" бирлашмаси базаси бошлиғи Талиб Бозоров ҳам маст ҳолда автоулов бошқариб юрсам бу дунёда ҳаққим бор деб ҳисоблайдиганлардан экан, ше-

килли. У 12 март куни "Тико"ни алмойи-жалмойи қилиб ҳайдаб келаётганида ДАН нозирининг пешонасидан чиқиб қолса бўладими.

Талиб ака ичиб улов ҳайдаб-

лиги бошқармаси мутахассиси Шухрат Олтибоев, "Пахтасаноатсотиш" бирлашмаси бош мутахассиси Ақром Абдуалимовлар ҳам ҳаракат хавфсизлиги ойлигини "зийнатлашди". Уларнинг

ўзларига ишончи шу қадар катта эканми, ичиб автоулов бошқариб юришибди?

Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Бироқ бизни бир савол қийнайди: нега обрўли идора, корхоналарда мансабдор бўлиб ишлайдиган айрим шахслар нафақат ўзларининг, балки бошқаларнинг ҳам

ҳаёти билан ўйин қилишади? Ҳар қандай ақлли калани ҳам арақ йўлдан оздиришини наҳотки улар билишмайди? Билишади, лекин улар ё мансабларига ёки чўнтакдаги пулларига, ёхуд та-

ниш-билиш, ошна-оғайниларига ишонишади. Бироқ бундай ишончининг жудаям мўрт эканини билишмайди.

Агар Термиз шаҳар ДАН бўлими бошлиғининг айтганига яқун ясайдиган бўлса, ҳаракат хавфсизлиги ойлиғи Сурхондарёда анча "мазмунли" хангома-ларга бой ҳолда кечди.

## Ўзбекистон фарзандлари

Ёши элликларни қоралаб қолган, бир қарасанг донишманд қарияга, бир қарасанг содда ва тортинчоқ болага ўшаб кетадиган бу йигит билан суҳбатимиз нисбатан осон кечди.

Чунки уни яхши билардим: бокс бўйича "спорт устаси", муаллим, шоир ва бастакор, ташкилотчи, тадбиркор... Ҳозирда пойтахтдаги 17-касб-хунар мактабига раҳбарлик қилади. "Сизга шеърларимни ҳаё қиламан", "Мен ёлғиз эмасман" сингари тўғламлари чоп этилган. Узи рус миллатига мансуб бўлсада, унинг ўзбекча нутқи ва сўз бойлигига хайрон қоласан киши.

Ана шу, юқоридаги озми-

ни кўрсам қулгим қистайди. Чунки, улар ўз вақтида шу нарсаларни ўрганиб кўришмаган, балки эринишган.

Аммо, ҳозир замон ўзгарди. Мустақилликка эришдик. XXI аср остонасида турибмиз. Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни каттаю-кичикни сергаклантириб қўйгани сир эмас. Энди "қирқта" хунар билан яшаб бўлмаслиги аён бўлиб қолди.

— **Замонга қараб-да, - кўшиламан яна.**

— Албатта! - хитоб қилади Валерий қизишиб. - Юқорида айтганларимнинг ҳаммаси айнан замон талаби бўлиб турибди. Назаримда, бунда ёшлар фақат бир соҳа

ўша кезлари Ўзбекистон телевидениеси орқали ҳам намойиш этилди.

— **Сизга ҳавасим келади, Валерий Попов, - дейман унга. - Ҳамиша умид билан, яхши ниятлар билан яшайсиз. Тиниб-тинчимайсиз...**

— Яна қанақа яшаш мумкин, оғайни? - кулимсирайди у. - Дунёга кўз-кўз қилишга арзигулик юртимиз бор? Мустақиллигимиз бор, олижаноб кишиларимиз кўп. Яшагинг, янада бахтлироқ кунлар умидида яшагинг келади киши...

— **Сизни уйлантирадиган муаммолар ҳам борми?**

— Албатта. Интилиш бор жойда, қаршиликлар ҳам учрайди. Ҳозирги кунда ўзини "олди-сотди"га уриб, бозорларда арава судраб пул топиш пайида юрган ёшларни кўриб хафа бўлиб ке-

# УЙҒОНИМТ, ФАРҲОДЛАР

Фарҳоджон иним!

Мен ҳам Сизни кўплар қатори Ўзбекистон телевидениесининг "Ёшлар" каналида намойиш этилган "Қишлоқдаги тенгдошим" кўрсатуви орқали танидим. Кўрсатув тугаган заҳоти Паркентга бордим, Сиздай фарзанд ўстирган аёлни тавоф қилиб қайтгим келди.

Эҳтимол, ҳамма ҳам бу кўрсатувни кўра олмагандир. Уларга аввал Сиз ҳақингизда қисқагина гапириб бергим келяпти.

Фамилиянгиз — Эгамбердиев.

26 ёшдасиз.

Паркент туманидаги "Мовароуннахр" фирмаси бошлиғисиз.

Тадбиркорлик билан топган пулингизни харжлаб, шу яқин-атрофдаги қишлоқларнинг 9-10 ёшли болақайларини тўплаб, футбол жамоаси тузибсиз. Ҳозир 80 тача бола билан шуғулланаётган иккита тренерага маош тўлар экансиз. Болаларнинг спорт кийимлари, анжомлари ҳам Сизнинг ҳисобингиздан экан.

Дунёни ҳайратга солган футболчи Пеле ҳам бир пайтлар мана шу болаларга ўхшаган оддийгина ўспирин бўлган. Кимлардир унга йўл очган. Кимлардир унга мадад бўлган. "Мен ўзим ҳомийлик қилаётган шу қоракўзлардан Ўзбекистоннинг байроғини баланд кўтарадиган голиб футболчилар чиқишини орзу қиламан", - дедингиз. Орзуингиздан айланай, иним!

Асли Сиздаги бу саховат миллатимизга хос бир ҳодиса.

гўзал дард билан оғришини иштаман.

Рост, бугун мактаб, шифоналар курилишига ёрдам бераётган, байрам дастурхонларини ташкил қилаётган, кам таъминланган оилаларга кўмак бераётган тадбиркорлар кўп. Аммо Сизнинг ҳаракатингиз барибир бошқача...

Халқ бўламан, деган миллат фидойилари энг аввало болаларининг бошини силайди.

Болаларига елка тутайди. Болаларининг кафтини очирмайди, мўлтиратмайди.

Сен зўрсан, сен яхшисан, дейди.

Сенга ишонамиз, дейди. Сизнинг ҳаракатингизда ана шу суянч, ишонч бор.

Ҳар бир миллатни кўтариб юборадиган, улуғ ишларга йўналтирадиган улкан даъватлар, ташаббуслар бўлади.

Худди шундай ташаббуслар халқнинг халқлигини кўрсатади.

Фарҳоджон иним, Сизнинг ишингиз ҳам Ватанимизда ташаббус бўлиб тарқалишини жуда-жуда истардим. Ахир, биз катта халқмиз. Истеъдодли болаларимиз жуда кўп. Бугун уларнинг ҳаммасининг ҳам истеъдоди даражасида илм, спорт, санъат билан шуғуллана олмаётгани ҳеч кимга сир эмас.

Қани эди, тадбиркорларимиз орасида Фарҳодлар ҳаракати бошланса... Ҳар бир тадбиркоримиз ҳеч бўлмаса битта боламизни юзага чиқарса...

Ҳукуматимиз фарзандларимиз саломатлиги, илм олиши учун жуда кенг миқёсда фаолият кўрсатмоқда. Агар бизнинг давлатманд оға-иниларимиз Фарҳодлар ташаббусини бошласа, ана шу фаолиятнинг жадаллашуви катта ёрдам берган бўларди.

Фарҳоджон иним, Сиз қошиқ дейсиз, биламан. Чунки ўзингиз "Балки, менинг болаларимдан мен кутган чемпионлар чиқмас. Аммо бошқа бир элдошим мен билан рақобат қилсин. У чемпион чиқарсин, мен хурсанд бўлай", дедингиз.

Пул — қўлнинг кири. Бойликни чойхонада ош еб, улфатчилик қилиб ҳам харжлаш мумкин. Дабдабали тўй қилиб, таниқли санъаткорлар оёғига пул сочиб ҳам сарфлаш мумкин. Аммо бугун бизга бунақа ўйсизлик ярашмайди. Биз ўзимизни тикламоқчи бўлган миллатмиз.

Гуллашга урунган дарахт, тоғликка интилаётган тошмиз. Ҳар бир сўзимиз шу мақсадга хизмат қилиши шарт.

**Кутлибека РАҲИМБОЕВА,**  
Ўзбекистонда  
хизмат кўрсатган  
маданият ходими

# ЎЗБЕКНИНГ РУС ФАРЗАНДИ



кўпми "билганларим" сабаб бўлдим, ҳар ҳолда суҳбатимиз анҳани самимий бошланди.

— Қачон, қаерда тугилганман? Болалигим? Шунақами? - деди қаҳрамоним ҳазиллашиб.

— Буларнинг менга қизиги йўқ, - дедим мен ҳам бўш келмай. - Келинг, бугунги кунлардан бошлай қоламиз!

Валерий самимий қаҳ-қаҳ урди.

— Кечасиз бугун, бугунсиз эрта бўлмайди-да! Шунинг учун вақти билан орқага қараб ҳам туриш керак. Ана шундагина ўз ютуқ ва камчиликларингни аниқроқ кўрасан. Болалигим Тошкентда, "Мевазор" маҳалласида тулган. Ўзбек болалари орасида усганман. Ўзбек тилини яхши билишим шундан.

— **Бир вақтнинг ўзиде педагогик, қўйингчи, бутун бошли катта касб-хунар мактабига раҳбарлик қилиш, спорт билан шуғулланиш, бу ҳам етмагандек шеърлар ёзиш, куйлар басталаш... бунга қандай улгурасиз?**

— Билмадим. Адабиётчилар тили билан айтганда "мураккаб образ" бўлсам керак-да? - яна кулади у.

— **Ё "йигит кишига қирқ хунар оз" деган мақолга риоя қиласизми?**

— Мақол деганингизда бир нарса эсимга тушди, - суҳбатдошимнинг юзига уйчан бир ифода қалқиди. - Биласизми, бир умр ўзбек халқ мақолларининг шайдосиман. "Қирқ хунар оз" деярсиз. Яна "Хунар, хунардан унар", "Хунарли эр хор бўлмас, дўст-душманга зор бўлмас" деган зўр мақоллар ҳам бор. Баъзан "Қирқ биринчи хунар" ҳам керак бўлиб қолмайди" деб ким исботлаб бера олади? Очигини айтсам, уйда газ плитаси ё водопроводи бузилиб уста қидириб юрган одамларни, ёки машинасининг аллақаси "тақ" этса, юраги "ши" этиб кетадиган кишилар-

билан ўралашиб қолиб кетмайди. Бунинг учун эса Мустақиллик майдон ҳам, шароит ҳам, муҳит ҳам, имконият ҳам яратиб берди.

— **Бу хил ислохотлар Сизнинг касб-хунар мактабингизда ҳам ўз ифодасини топаётган бўлса керак? - деб сўрадим.**

— Албатта. Мақтанаяпти демангу, мақтанса арзигулик ишларимиз йўқ эмас. Масалан, касб-хунар мактабимизда ёшларга ҳайдовчилик, авточилангарлик мутахассисликларидан тортиб, ўрта маълумотга қўшиб, ҳатто қран, трактор ва бульдозер бошқаришни ҳам ўргатамиз. Касб-хунар мактаблари Ассоциацияси ҳам республикамизда биринчи бўлиб бизда ташкил этилган. Уқув дастурига янгича усуллар киритганмиз, бундан ташқари мактабимизда таълим ва тарбия жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Таянч" жамғармаси тузилган. Уқувчиларнинг ота-оналари билан янгича муносабатлар тизимини ишлаб чиққанмиз. Чунки, Президентимиз бу йилни "Соғлом авлод йили" деб атади. Ҳам руҳан, ҳам жисмонан соғлом авлод вужудга келиши учун эса аввало соғлом оила, соғлом муҳит керак. Бизнинг бутун диққат-этиборимиз ана шунга қаратилган.

— **Касб-хунар мактабингизни ўз "Мадҳия"си ҳам бор деб эшитдим.**

— Бор. Уни шоир Яҳё Тоға иқовимиз ёзганмиз. Александр Корнаки куй басталаган. Умуман ташаббусимиз билан яратилган ўқувчи-ёшлар кўшиқлари кўп бизда. "Биринчи дарс", "Икки дил байрами"... "Таянч" деган қўшиғимиз эса Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг мадҳиясига айланиб кетди. Биргина мисол келтирай, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилаётган кунларда ёзган "Номзод" деган қўшиғимиз

таман. Ҳали ёш, бирон касб-хунар ўрганишса бўлмайдими, деб уйлайман. Қанчадан-қанча лицейлар, коллежлар, хунар мактаблари очилляпти. Хоҳлашса, марҳамат, бизнинг мактабга келишсин! Иннайкейин, ҳалиям баъзан орамизда эскича фикрловчи кишилар учраб туриши алам қилади. Ана шулар туфайли баъзан майда-чуйда гаплар,

## Ёшлар мураббийлари

ғийбатлар, миш-мишлар пайдо бўлади. Лекин мен ҳамиша булардан баланд туришга ҳаракат қиламан.

— **Орзу-армонларингиз?**  
Саволимни андак жўнроқ, "анъанавийроқ" эканлигини сезиб, суҳбатдошим самимий кулимсирайди.

— Орзулар кўп. Аммо ҳали амалга ошмаганлари ҳақида гапиришни ёқтирмайман. Ҳозирча ягона истагим — ўқувчи-ёшларни фақат мясига билим тикиштираверишдангина эмас, балки уларнинг юрагига йўл топиш ва киришдан иборат...

Мен касб-хунар мактабидан чиқиб келарканман, беихтиёр зинага мени кузатишга чиққан суҳбатдошимга қарадим ва унинг боши оша, бино пештоқидаги "Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдеворидир" деган ёзувларни кўрдим.

Беихтиёр шоирнинг машҳур сатрлари ёдимга тушди:

**"Қур, ярат денг,  
хайқир денг,  
жўш денг,  
Шундай яшар  
одатда одам..."**

**Суратда: Валерий ПОПОВ**  
шоғирдлари билан.  
**Эркин УСМОНОВ**

9 апрель буюк бобока-  
лонимиз, Соҳибқирон  
Амир Темур тавал-  
луд топган  
кундир.  
Ушбу кутлуғ  
сана ара-  
фасида  
"Турки-  
стон-пресс"  
мухбири  
Темурий-  
лар тарихи  
Давлат му-

# СОҲИБҚИРОН АБАДИЯТИ



зейн директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, тарих фанлари номзоди **Ўткир АЛИМОВ** билан мулоқотда бўлиб, мазкур муассасада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб беришни сўради.

— Темурийлар тарихи Давлат музейи улуғ аждоимиз Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан 1996 йил 18 октябрда очилган. Истеъдодли меъмор А.Турдиев лойиҳаси асосида бунёд этилган бинонинг ўзиёқ ноёб иншоот эканлигини эътироф этиш жоиз.

Баландлиги 30 метрдан ошадиган, уч қаватли, айлана шаклидаги бу бино, ниллий, гарбий гумбаз, очик айвоннинг нашинкор оппоқ устунлари тугиб турган томнинг жимжимадор панжаралари нафис, геометрик шакллар бегаб турган пештоқлардаги куфий, сулс ёзувлари, халқ амалий санъатининг юксак намуналари, ложувард, оқ, яшил, мовий ранглар уйғунлиги Ўрта асрлар Шарқ ва замонавий меъморчилик ютуқларини ўзида ёрқин мужассам этган бўлиб, булар халқимизнинг бой меросидан дарак беради ҳамда киши қалбида ифтихор туйғуларини уй-

лидаги китоби ҳамда шиша билан ишловчи расмон Стиван Бизли (АҚШ)нинг "Даврлар бирлиги" номли асари шундай ашёрлар сирасига қиради. Дарвоқе, кейинги асарнинг кўргазмамиздан жой олиши алоҳида нуфузга эга. Темур даври билан ҳозирги замоннинг ўзаро алоқасини кўрсатувчи бу асар икки қисмдан — металл асос ва шиша кўзадан иборат. Металл асос мустақамлик гоёсини акс эттирсин, кўк рангли шиша кўза — ўзбек халқи қалбининг мусаффолиги, тиниқлигига ишорадир. Металлдаги олти қиррали нақш кўзада ҳам акс этган бўлиб, бу во-

кор тахтада ўтирган очик чехрали Амир Темур, иккинчиси эса тахтада ўтирган Шоҳ Жаҳон тасвирланган. Соҳибқироннинг ўнг қўлидаги тож ва чап қўлида ушлаб турган буюмга (эҳтимол ёрликдир) назар ташлайдиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам унда ҳиндистонлик олим фароз қилганидек, Амир Темурнинг Шоҳ Жаҳонга подшоҳлик тож-ни рамзий топшириш маросими акс этирилган бўлиши мумкин.

Музейимизга бир йилда 100 мингдан ортиқ томошабин ташриф буюради. Амир Темур ҳаёти, Амир Темур ва илм-фан, Амир Темур ва Боязид, Мирзо Улуғбек, Иброҳим Султон, Соҳибқирон Амир Темур ва ҳозирги замон, Беҳзод миниатюраларида темурийлар қиёфаси ҳамда яна бошқа мавзулардаги кўргазмалар кўпчиликда қизиқиш уйғотмоқда. Музей заллари замонавий техник воситалар билан жиҳозланган, компьютерлаштирилган бўлиб, учта полиэкран мунтазам ишлаб туради. Темур даврига оид ҳужжатли-оммабоп фильмлар мунтазам кўрсатиб борилади. Мактаб ўқувчилари, фахрийлар, ногиронларга бепул хизмат кўрсатамиз. Илмий ходимларимиз, мутахассисларимиз Амир Темур таваллудининг 665 йиллигига тайёргарликни бошлаб юборганлар, яқин келажақда янги ашёлар билан бойитилган кўргазмалар ташкил этилади. "Ўзбекмузей" ташкилоти, "Олтин мерос" жамғармаси ҳамда ЎзФА Археология институтини билан ҳамкорликда шу ойнинг охирида Соҳибқирон даврини ўрганиш бўйича археологик экспедиция ўз ишини бошлади. Темурийлар даври тарихига бағишланган икки босма табоқ ҳажмдаги рангли расмлар билан безатилган йўлқўрсаткич китоб нашриётга топширилди. Келаси йилда "Амир Темурнинг жаҳон тарихида тугган ўрни" номли китобини иккинчи, тўлдирилган нашрини чоп этиш режалаштирилмоқда, - деди Ў.Алимов.

отади. Мазкур даргоҳнинг кўргазма майдони 2200 квадрат метр бўлиб, музей ташкил этилганидан буён экспозиция ва фондлардаги ашёларимиз икки баробар кўпайди, улар ҳозирда 1800 тага етди, - деди суҳбатдошимиз.

Кўргазма захираларини янги ашёлар билан бойитиш мақсадида ўша давр билан боғлиқ ҳужжатлар сақланаётган жаҳоннинг кўзга кўринган музейлари билан алоқа ўрнатганмиз.

Музей ташкил этилишида бевосита ташаббускор бўлган Президентимиз, унинг экспонатлар билан янада бойитилишига ҳам алоҳида эътибор бермоқдалар. Хусусан, Франция Республикаси Президентини Жак Ширак томонидан давлатимиз раҳбарига совға қилинган Амир Темурнинг Франция Қироли Шарл VI га йўллаган мактуби, шведариялик коллекционер томонидан тақдим этилган Аҳмад ибн Арабшоҳнинг "Темур тарихи" номли араб ти-

рисийлар рамзига ишорадир. Жумладан, 60 та экспонат — Амир Темур ва темурийларнинг қўшни давлатлар раҳбарлари билан ёзишмалари, табаррук Куръон китоби, "Шоҳнома" асари, видеокассеталар Эрон элчихонасидан, бир неча кўлёмалар саҳифаларининг нусхалари Ҳиндистон элчихонасидан, шунингдек, бештаси Хитойдан, 3 та китоб Туркиядан, 18 та каталог Япониядан олинди. Франциядаги Лувр музейи жамоаси Амир Темур ва темурийлар даврига оид мисгарлик, кулчулик соҳаларини ёритиб берувчи 20 та экспонат фотонусхаларини ҳам бизга юборди.

Ҳиндистонлик таниқли олим Ҳабиб Зубери томонидан юборилган экспонатлар айрича диққатга сазовордир. Бу Бобур авлодларидан Шоҳ Жаҳон даврида яратилган "Подшоҳнома" саҳифаларига ишланган миниатюралардан иккитасининг нусхаси бўлиб, улардан бирида нақшин-

# МУҲАММАД АЛ-МОТУРИДИЙ

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ханафий ас-Самарқандий ал-Мотуридий — Ислон динининг назарий (усул ад-дин), фикҳ асослари ва манбаларини ўрганадиган (илм усул ал-фикҳ) соҳаси бўйича ханафия мазҳабининг йирик фақиҳи (қонуншуноси), калом илмида янги бир йўналиш — мактаб яратган йирик аллома. Самарқанд яқинидаги Мотурид (бу сўз арабча "хоҳлаган нарсанг" маъносига эга) маҳалласида 870 йилда туғилган. Самарқандда ханафия мазҳаби қонуншуносларидан фикҳ илмини ўрганди. В.В.Бартольднинг ёзишича Мотуридий Самарқандда яшаган олим Муҳаммад ибн Фаълнинг шогирди бўлган. Кейинчалик ўзи шу ерда фикҳ ва каломдан дарс берган. Хижрий 333 ёки 335 (мелодий 944 ёки 946) йили Самарқандда вафот этган.

Мотуридий Куръон тафсири, калом, фикҳ илми усуллари соҳасида бир қанча китоблар ёзиб қолдирган. Улардан "Китоб ал-усул" ("Фикҳ асослари китоби"), "Китоб таъвилот ал-Куръон" ("Куръон тафсири китоби"), "Шарҳ Фикҳ ал-акбар" ("Фикҳ ал-акбар шарҳи"), "ат-Тавҳид" ("Худонинг ягоналиги ҳақида"), "Китоб ал-мақолат" ("Мақолатлар китоби"), "Маъхуз аш-шароиъ" ("Қонуншуносликдаги етишмовчиликлар") асарларини кўрсатиш мумкин.

Мотуридийнинг калом соҳасида ихтиро этган таълимоти кейинчалик "Мотуридия" номи билан шухрат қозониб, мусулмонлар орасида Мовароуннаҳрда кенг тарқалди. Унинг асарларида қарматийлар, равофизийлар ва муътазиллийлар таълимотлари рад этилади.

Қарматий (кўпл. қароматий)лар шиа мазҳабидаги исмоилийларнинг асосий шахобчаларидан бири бўлиб, IX аср охирида Ироқда тараққий қилган, Сурия ва Яманда тарқалган. Улар асосан деҳқонлар, кўчманчи бадавийлар ва хунармандлардан ташкил топган. Ислон қонун-қоидаларига итоат этмаганлар, уларда масжид бўлмаган, мусулмонлар зиёратгоҳи Қора тош (Қаъба)га зиёратни, унга сифинишни бидъат, бутпарастлик деб ҳисоблаганлар. 899 йили Баҳрайни босиб олиб, ал-Аҳсо (Шарқий Арабистонда ўз

давлатларини тузганлар. Уларнинг раҳнамоси Ҳамдам ибн ал-Ашъаснинг ўғли Абу Тоҳир Сулаймон (914-943) даврида қарматийлар 930 йили ҳаж вақтида Маккага бостириб кириб, шаҳарни талон-тарож қилганлар, бир неча минг ҳожиларни ва Макка аҳолисини қатл этиб асир олганлар. Қаъбани вайрон қилиб, қора тошни иккига бўлиб, Баҳрайнга олиб кетганлар, фақат 20 йилдан кейин катта тўлов эвазига у Маккага қайтариб берилган.

Равофизийлар (бирл. рофиза) шиаларга, айниқса имомийларга мансуб лақаб бўлиб, "инкор этувчилар", "тан олувчилар" маъноларига эга. Булар Муҳаммад (с.а.в.) дан кейинги чаҳорёр халифаларидан Абу Бакр ва Умар ҳокимиятини тан олмайдилар, пайғамбар ўзидан кейин ҳазрати Алини ворис қилиб қолдирган, деб даъво қилдилар. Али авлодларидан бўлмиш, ҳазрати Алининг набираси Зайд ибн Али (699-740) даврида равофизийларнинг унинг номи билан боғлиқ зайдия шиа ҳаракати пайдо бўлади. Зайд 739 йили Куфада Умавийларга қарши кўзғолон кўтарди, шийъалар унинг атрофида йиғилиб, уни имом деб эълон қилдилар. 10 ойдан кейин Зайд, кўзғолони бостирилиб, Зайд 6 январь 740 йили жангда ҳалок бўлди, танасини бутга тортиб михладилар, бошини қирқиб, Дамашққа халифа Хишомга (724-743) юборишди. Зайдия оқими пайдо бўлгандан кейин равофизийлар на фақат Абу Бакр ва Умар, балки Умавийлар ва Аббосийлар халифаларини ҳам инкор этиб, фақат имомийларнигина тан олдилар.

Муътазиллийлар (ажралиб чиққанлар, узоқлашганлар) эса VIII аср ўртасида Араб халифалигида юзага келди. Унинг асосчиси Восил ибн Ато (699-748) бўлган. Феоди зиёлар вакиллари бўлган муътазиллийлар антик фалсафа ва мантиқнинг усул ва тушунчаларини илоҳиятга тадбиқ қилиб, тасаввуфни инкор этишга уринганлар, Куръон ва суннат таълимотини ақл-идроққа мос талқин этишни илоҳият асосларидан бири деб эътироф этганлар,

ўзларини яқка худонлик (тавҳид) ва адолат тарафдорлари деб атаганлар. Уларнинг таълимотида Куръон Худо томонидан яратилган (нозил бўлган эмас) дейилади, ирода эркинлиги эътироф этилади. Худони одам тимсолида тасаввур қилиш ва тақдирга ишониш инкор этилади. Бу оқим XI-XII асрларда Хоразмда тарқалди. Буюк олим Замаҳшарий (1075-1144) унинг охири вақили эди. Муътазиллийларнинг ақл-идроққа асосланган таълимоти ва бир қанча диний-фалсафий йўналишлари кейинчалик пайдо бўлган калом илми — ашъария ва мотуридиянинг ютуғи бўлиб қолди. Муътазилия ўзининг кўпглаб йирик раҳнамо ва тарафдорларига эга бўлган. Лекин доим таъкиб остига олинган, Ироқ ва Эронда XI-XII асрларда. Ўрта Осиёда XIII-XIV асрларга келиб бу

тпълимот йўқолиб кетган.


Мотуридий тан олган оқим ашъария таълимоти-дир. Унинг назариётчиси Абулҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий (873-915) калом илмига асос солган. Бу таълимот Куръон ақидаларига суянган ҳолда, жаннат ва дўзахни азалий мавжуд, инсонда ирода эркинлиги йўқ, аммо ўз қилмишлари учун Аллоҳ олдида жавобгар, деб қарайди. Ал-Ашъарий 100 дан ортиқ асар ёзган бўлса ҳам, улардан иккитаси — "Мақолат ал-исломийин" ("Исломийлар ҳақида мақолатлар") ва "ал-Лумъа фи радди ало ахл-из-зиг ва-лбидъа" ("Тойганлар ва бидъадчиларга раддия шуълалари") китоблари бизгача етиб келган.

Мотуридий ўз асарларида каломнинг бир қанча масалаларини Аллоҳга хос аломатлар (илм, куч-қудрат кабилар) ҳаққонийли-

ги, мавжудлиги ҳақидаги ашъария таълимоти тушунчалари асосида ҳал этди. Лекин ашъарийлардан фарқли ўларок, Мотуридий ва унинг издошлари нафақат Аллоҳга хос аломатларнинг азалийлигини тан олдилар, балки инсон қилмиши, хатти-ҳаракатини ҳам эътироф этдилар. Муътазиллийларга эргашган ҳолда инсонда хоҳиш-ихтиёр мавжудлигини, унда иккита қарам-қаршилик (ал-иститоа ли-з-зиддайн)дан бирини танлаб олиш қобилиятига эга эканлигини қайд этдилар. Улар иймонни, Аллоҳни сўз ва қалб билан танишдан иборат эканлиги, уни қандайдир хатти-ҳаракат, диний расм-русум ва шунга ўхшашлар билан боғламаслик лозимлигини таъкидладилар.

Шундай қилиб, бизнинг буюк ватандошимиз Муҳаммад Мотуридий ўз салафлари Имом Бухорий, Имом Термизийлар йўлини тутиб, соф Ислон ва унинг ханафия мазҳабини ёқлади ва химоя қилди. Ислонга ва унинг қонун-қоидаларига зид таълимотларга қарши курашди. Унинг таълимоти мотуридия нафақат Мовароуннаҳр, балки Ҳиндистон ва Туркияда кенг тарқалган. Ал-Ашъарий таълимоти билан Мотуридий таълимоти ўртасида худди шофеий ва ханафия мазҳабидеги каби кескин фарқлар бўлмаган, буларнинг ҳар иккиси ҳам ханафия мазҳаби учун курашган алломалардир.

Мотуридий ҳаёти ва ижоди Шарқ ва Ғарб исломшунос олимлари томонидан ўрганиб келинди, унинг ҳақида бир қанча китоб ва мақолатлар чоп этилди.



Улардан Абу Узбу ар-Равзанинг "ал-Бахия фи мо байн-л-ашоира ва-л-мотуридия" (Хайдаробод, 1904); А.Шайхзоданинг "Китоб назм ал-фароид ва жамъ ал-фавоид фи баён ал-масоил, аллати вақоа фиҳо ал-ихтилоф байн ал-мотуридия ва-л-ашъария" (Қоҳира, 1899) каби араб тилида ёзилган ва Оврупа олимлари томонидан инглиз, немис тилларида нашр этилган бир қанча тадқиқотларни кўрсатиш мумкин. Унинг ҳақида инглиз тилида чиқаётган "Ислон энциклопедияси"да (3-ж., 414-415-бетлар) маълумот берилган.

Мустабид Шўро тузуми даврида бошқа буюк муҳаддис, муфассир олимларимиз қаторида Мотуридий ҳаёти ва ижоди ҳам ўрганилмади, унинг ҳақида бирорта мақола ёзилмади ҳам. Хатто "Ўзбек энциклопедияси"да ҳам олимнинг номи йўқ.

Аллоҳга шукроналар бўлсинки, мустақиллик туйғайли буюк алломаларимиз номи тикланмоқда, таваллуд топган йиллари нишонланмоқда, мақбара, масжид ва мадрасалари таъмир этилиб, муқаддас зиёратгоҳга айлантирилмоқда. Бу йил халқимиз икки буюк сиймо Муҳаммад Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги ва Бурхонуддин Марғиноний таваллудининг хижрий ҳисобда 910 йиллигини нишонлайди.

**Ҳожи Исматуллоҳ АБДУЛЛОҲ,**  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
филлология фанлари доктори, профессор

**УЗА** **КОСТА-РИКА.** Ушбу мамлакат билан Никарагуа ўртасида чегара масаласи юзасидан ўтказилган навбатдаги музокаралар яна натижасиз тугади. Аммо, Коста-Рика ташқи ишлар вазири Роберто Рохас муаммо ечимини топиш йулида ижобий сил-ла наётганини айтди. У кейинги музокараларда ҳар икки томон учун ҳам маъқул бўладиган йўл топилажигига умид билдирди. Ўз навбатида, Никарагуа ташқи ишлар вазири Эдуардо Монтеагре ҳам навбатдаги учрашувга тайёр эканини маълум қилди.

Келишмовчилик бундан икки йил аввал, Никарагуа ҳукумати коста-рикаликларга Сан-Хуан дарёсидан фойдаланишни ман этиб қўйгандан сўнг юзага келган эди. Бу Коста-Риканинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлди. Кузатувчилар яқин орада икки давлат ушбу муаммо ечимини топади, деган фикрда.

**ЧИЛИ.** Шу кунларда Сантьягода генерал А.Пиночет даврида мамлакат мудофаа вазири лавозимида ишлаган Эрман Бради сўроқ қилинапти. У собиқ раҳбарнинг шериги сифатида ва АҚШ суди талабига кўра судлов маҳкамасига чақирилган.

Зўравонлик йилларида кўплаб одамлар ҳукумат томонидан қийноққа солинган, ўлдирилган ёки бедарак йўқотилган. Бу ишларда Э.Брадининг ҳам қўли бўлиши мумкин. У ҳозирча яқинда АҚШ суди томонидан кўзғатилган "Летельер иши" бўйича сўроққа тўтиляпти.

Орландо Летельер Чилининг таниқли демократия учун курашчиларидан бўлиб, Сальвадор Альенде даврида ташқи ишлар ва миллий мудофаа вазири лавозимларида ишлаган эди. У 1976 йилда Вашингтонда ўлдирилган.

**АРГЕНТИНА.** Аргентиналик полеонтологлар 80 миллион йил аввал яшаган динозаврлардан қолган улкан тухумни топди. Олимлар антиқа топилмани ўрганишга киришди. Яқин кунларда унинг келиб чиқиши, пайдо бўлган даври бўйича янада аниқ маълумотлар пайдо бўлиши мумкин.

Тухум динозаврларнинг бир тури бўлган заурапод деган жонзотга мансуб, деб тахмин қилинапти. Заураподларнинг узунлиги 15 метр, оғирлиги 15 тонна бўлган. Агар тухум ҳақиқатан заураподга тегишли бўлса, бу фандаги энг қадимий топилма бўлади, деди полеонтолог Родольфо Кория.

**КОЛУМБИЯ.** Миллий озодлик армияси (МОА) жангарилари мамлакат пойтахти Богота билан Антиокия департаменти маъмурий маркази Медельинни туташтирувчи катта йўлдаги ҳаракатни тўхтатиб қўйди. Террорчилар кўприклардан бирини портлатди, бир неча автобусни ёқиб юборди.

Бундай террорчилик ҳаракати мамлакатнинг олти-та департаментида содир этилди. Жангарилар йул четларига ўрнашиб олиб, муҳим кўчалардаги ҳаракатни буткул тўхтатди. Бундан ташқари, улар 20 нафар одамни гаровга ҳам олган.

**САЛЬВАДОР.** Мамлакат аҳолиси ўртасида вабо тарқалиб борапти. Бешта департаментда ушбу касалликка чалинган беморлар сони жуда катта. Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Эрберт Бетанкур шуни маълум қилди. Унинг айтишича, йил бошидан буён вабо туфайли учта одам оламдан ўтган.

Сальвадор ҳукумати вабога қарши кураш бўйича чора-тадбирларни кучайтирди. Одамларга ичимлик

## ЯПОНИЯДА ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИЛДИ

Ўтган якшанба кuni Япония Бош вазири Кэйдзо Обутининг инсультга чалиниб, шифохонага тушиши ҳукуматнинг тақдирида катта бурилиш ясади. Бош вазирнинг тез кунда соғайиб, ўз вазифасини бажаришга киришиш эҳтимоли йўқлиги сабабли ҳукумат сешанба кuni тўла таркибда истеъфога чиқишга мажбур бўлди ва чоршанба кuni унинг ўрнига янги ҳукумат тузилди.

Сўнгги вақтларда Япониянинг уч партияли ҳукмрон коалицияси сафларига дарз кетгани, бунинг устига айрим сиёсий можаролар кўзгалгани сабабли халқ орасида ҳукуматнинг обрўси туша бошлаган эди. Кэйдзо Обутининг шифохонага ётқизишидан бир кун аввал Либерал партия коалицион ҳукумат таркибидан чиққанди. Албатта, бундай воқеаларни Бош вазирнинг кутил-



маганда хасталанишига сабаб сифатида кўрсатиш ҳам мумкин.

Японияда ҳукумат парламентда кўпчилик овозга эга бўлган партия томонидан тузилади. Айни пайтда Япония Либерал-демократик партияси (ЛДП - Кэйдзо Обути шу партия етакчиси эди) қонун чиқарувчи органда шундай устунликка эга. К.Обути шифохонага тушиб, ўз вазифасини бажара олмай қолган, мазкур партия вакиллари йиғилишида ЛДП Бош котиби Иосиро Мори партия раислигига сайланди. Бу эса, ўз навбатида, янги ҳукумат тузиш ва бошқариш айнан унга топширилишини олдиндан белгилаб берди.

Шу ўринда Иосиро Мори ҳақида икки оғиз сўз. Меҳнат фаолиятини журналист сифатида бошлаган И.Мори кейинчалик сиёсат билан шуғулланишни маъқул кўрди. Аввалига депутатлардан бирининг котиби лавозимида ишлаб, 1969 йилда илк бор парламентга сайланди. Шу кунгача у ўн мартаба вакиллар палатаси депутати бўлишга улгурди. И.Мори аввалиги ҳукуматлар таркибида ишлаган. У таълим, ташқи савдо ва саноат ҳамда қурилиш вазири лавозимларида хизмат қилган.

Япония парламенти ўзининг чоршанба кунги мажлисида ЛДПнинг раиси Иосиро Мори янги ҳукумат тузиш ваколатини берди. Унинг номзодини ЛДП депутатларидан ташқари, Комэйто марказчилар партияси ва Консерваторлар партияси вакиллари ёқлади. Чунки бир неча кун аввал улар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида келишувга эришилган эди. Таъкидлаш керак, Консерваторлар партияси К.Обути ҳукумати таркибида бўлган Либерал партиядан ажралиб чиққан 26 депутат томонидан душанба кuni ташкил этилганди.

Япониянинг янги ҳукумати олдида талай муаммолар турибди. Жумладан, мамлакат бир неча йил давом этган молиявий инқироздан энди-энди чиқиб келаётган бир пайтда ҳукуматнинг алмашуви иқтисодийта таъсир кўрсатиши мумкин. Бундан ташқари, жорий йилда Япония "катта саккизлик" мамлакатлари саммитини ҳам қабул қилади. Бундай йирик сиёсий тадбирни ўтказиш учун янги ҳукуматдан анча куч-ғайрат талаб этилади.

Япониянинг янги ҳукумати фаолияти санокли ойлари давом этади. Чунки шу йил октябрь ойидан кечикмай мамлакатда парламентнинг куйи палатасига сайлов ўтказилиши керак. Унинг натижалари асосида эса қайтадан янги ҳукумат тузилади.

суви, мева ва сабзавотлардан заҳарла-нишининг олдини оладиган дори-дармон текин тарқатиляпти

**БУХАРЕСТ.** Арманистон президенти Роберт Кочарян расмий ташриф билан Руминияга келди. Хабарларга қараганда, у Бухарестда мамлакат президенти Эмил КонстантINESКУ билан учрашади. Ушбу учрашувда икки давлат ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади. Шунингдек, Р.Кочаряннинг Руминия парламентининг ҳар икки палатаси вакиллари ва мамлакат Бош вазири билан учрашуви ҳам режалаштирилган.

**ВАШИНГТОН.** Сайёрамизнинг энг бой киши-си Билл Гейтс ва унинг рафиқаси Мелинда хоним Африкада ОИТСга қарши кураш учун ўзларининг хайрия жамғармасидан 57 миллион доллар ажратди. Ушбу маблағ яқин беш йил давомида Ботсвана, Гана, Уганда ва Танзания ёшлари орасида "XX аср вабоси"нинг олдини олиш кампаниясини ўтказишга сарфланади. Ушбу мамлакатларда ОИТСга чалиниш ва ундан ўлиш кўрсаткичи жуда юқоридир.

БМТ маълумотларига қараганда, айни пайтда Африкада ОИТСдан кунига 5,5 мингга яқин киши оламдан ўтади. 80-йиллар ўрталаридан буён эса бу касаллик 11 миллиондан зиёд африкаликни ҳаётдан олиб кетди.

**ИСЛОМОБОД.** Афғонистондаги "Толибон" ҳаракатининг Покистондаги тарафдорлари мамлакатни исломлаштириш кампаниясини тобора фаоллаштирмоқда. Улар Куръони Карим меъёрларига мос келмайдиган барча нарсаларни йўқотишга ҳаракат қилаётир. Хабарларга қараганда, яқинда ақидапарастлар Карачидаги майдонлардан бирида шаҳар дўконларидан куч билан тортиб олинган телевизор ва видеомагнитофонларни синдирган. Улар мамлакатдаги аёллар ўқув муассасаларини ёпишга эришишни ҳам ўз олди-га мақсад қилиб қўйган.

**ОСЛО.** Норвегияда 100 тоннадан ортиқ пропан гази ортилган икки поезд тўқнашиб кетди. Хабарларга қараганда, ушбу ҳалокат оқибатида ҳеч ким зиён кўрмаган. Шундай бўлса-да, фожеа оқибатида келиб чиққан ёнғиннинг тез тарқала бошлаши ва портлаш хавфи туғилгани сабабли яқин-атрофда жойлашган аҳолини зудлик билан қўчиришга тўғри келди.

**ХАНОЙ.** Бу ерда Жануби-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси - АСЕАНга кирувчи мамлакатлар молия муассасалари раҳбарларининг учрашуви бошланди. Унда АСЕАН мамлакатлари молия вазирликлари раҳбарларининг ўтган йил Сингапурда бўлиб ўтган анжуманида эришилган келишувлар ижроси муҳокама қилинади. Ушбу учрашувда асосий эътибор яқин бир неча йил ичида АСЕАН эркин савдо зонасида экспорт ва импорт маҳсулотларга солинадиган солиқларни камайитириш масаласига қаратилади.

**СЯНГАН.** Фил суяги билан савдо қилишга халқаро таъқиқ эълон қилинганига қарамай, айни пайтда Сянган бу ноқонуний бизнесда етакчи ўрин тутмоқда. Халқаро ташкилотлар маълумотларига қараганда, бу ерда келтириляётган фил суягининг 80 фоиздан ортиги Африка хиссасига тўғри келади. Хитойда ушбу маҳсулотдан қим-матбаҳо санъат асарлари яратиш соҳаси гуллаб-яшнаётганига сабаб ҳам Сянганда фил суяги контрабандасининг кучайганидир.

**Ушбу куннинг 50 та воқеаси**

1. Чоликуши фильмидаги қаҳрамонга берилган лақаб. (10) 2. Сайроқи қуш. (6) 3. "Шаҳзод" гуруҳи хонандаси. (5) 4. Республикаميزдаги нашриёт. (4) 5. Республикаميزдаги мустақил газета. (7) 6. Уй ҳайвони. (5) 7. Баҳор байрами. (6) 8. Билим даргоҳи. (6) 9. "Чархпалак" видеофильми қаҳрамони. (5) 10. Овқат тури. (8) 11. Хотиннинг акаси. (8) 12. Алишер Навоий дўсти. (14) 13. Тиниб-тинчимас ҳашарот. (6)

Тузувчи: Муродхўжа ЗОКИРХУҲАЕВ

Б	О	Н	А	К	Т	А	Б	Я	М
Е	Д	Ғ	У	А	М	М	А	Р	Р
З	Ў	Р	Д	Б	А	Й	А	Д	А
О	М	В	А	Н	Ш	И	К	И	Ш
Ш	Х	Ў	А	К	А	Н	О	Ғ	А
И	Д	Р	Р	У	Х	О	Й	Қ	А
Н	Я	И	Р	Р	Н	Б	Ш	Ө	Р
Х	У	С	А	Й	И	Б	А	Р	Ў
И	Л	О	М	У	Ч	У	З	О	К

## ЖУМБОҚНИ ТОПА ОЛДИНГИЗМИ?

Газетанинг 5 апрель сониди эълон қилинган бошқотирма жавоблари

- Ипакчилик.
- Кинна.
- Аматико.
- Олмаҳон.
- Нишолда.
- Альбом.
- Малина.
- Аймоқ.
- Қиш.
- Шафақ.
- Қонун.
- Нон.
- Номус.
- Сопрано.
- Оқсоч.
- Чорик.
- Қайла.
- Анероид.
- Даҳанак.
- Канор.
- Роско.
- Осмий.
- Йитс.
- Сўна.
- Аполлон.
- Назокат.
- Тошбақаўт.
- Топаз.
- Замон.
- Назла.
- Аммома.
- Ананд.
- Ананд.
- Даҳан.
- Нозир.
- Роман.
- Нокас.
- Сокотра.
- Аудитория.
- Яссавий.
- Йил.
- Лос.
- Сод.
- Дно.
- Океан.
- Нукат.
- Томск.
- Клара.
- Айвон.
- Ниагара.
- Ака.
- Адана.
- Анбар.
- Рихлат.
- Тери.
- Иприт.
- Тишқоли.
- Или.
- Ипатия.
- Ясси.

## Миллий спорт турлари тараққий этмоқда

Тошкентдаги Отчопар базасида ташкил этилган республика Миллий спорт турларини ривожлантириш марказининг очилиш маросими бўлди.

— Марказимиз Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 27 майдаги "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан ташкил топди, - дейди марказ директори Абдулхай Содиқов. - Марказнинг вазифаси миллий спорт турларини тарғиб қилиш ва ривожлантиришдан иборат.

Янги марказ Кураш, Турон кураши, От спорти, Камондан ўқ отиш спорти федерацияларини ва от спорти бўйича республика олий спорт маҳорати мактабини бирлаштиради. Бу эса шу спорт турларининг бўлинмалари фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, миллий спорт турларини тарғиб этишда кўзланган натижаларга эришиш ва шу спорт турларига аҳолининг барча табақаларини жалб этиш учун биргаликда иш олиб бориш имконини беради.

7 май кунини марказ тақдироти маросимида спорт байрами бўлиб ўтади. Байрам дастурига курашчиларнинг, Турон кураши, от ва камондан ўқ отиш спортчиларининг чиқишлари, шунингдек "Кўпкари-улок", "Қизқувмоқ" миллий ўйинлари ва бошқалар киритилган.

Миллий спорт турларини ривожлантириш маркази ўз вазифасини ана шу спорт турларини ривожлантиришда катта ҳисса кўшаётган Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" жамияти ва касаба уюшмалари ёрдамида амалга оширади.


(ЎЗА)

## Ю П Д У З Л А Р САМОДАН СЎЗЛАЙДИ

(10 АПРЕЛДАН  
16 АПРЕЛГАЧА)

**ХАМАЛ.** Душанбадан кўнғирок кутинг. Сешанба кунини бойийсиз. Чоршанбада сизни сўроқлашади. Пайшанба кунини зиддиятлардан нари юргангиз маъқул. Шанбада яхши дам оласиз. Якшанба кунини яқинларингиз билан дийдорлашасиз.

**САВР.** Муҳим хабарлардан сизни душанба ва шанба воқиф этади. Сешанбада соғлиқ-кайфиятингиз чатоқ. Чоршанба кунини асабни асранг. Пайшанбада ҳамкорлар учрашуви. Жума ҳамингизни тўлдиради. Дам олиш кунинида кўпдан кутаётган одамнингиз билан учрашасиз.



**ЖАВЗО.** Ҳафта бошида ишлар о'кей. Сешанба кунини сирли учрашув. Соғлиқ ҳақида қайғуриш кераклигини чоршанбада унутманг. Пайшанба кунини бойийсиз. Янги битимлар имзолаш учун кулай кун — жума. Якшанба кўнгилдагидек ўтади.

**САРАТОН.** Душанба ва чоршанба чўнтак учун баракали кунлар. Сешанбада ишбилармонлар иши юришади. Муҳим ишларни пайшанбага қолдириш. Жумада соғлигингизни авайланг. Якшанба сизни яқинлар даврасига етаклайди.

**АСАД.** Ҳафта бошида бойийсиз. Сешанба кунини сирли учрашув. Чоршанбадан хушхабар кутинг. Жума кунини саломатлигингиз учун қайғуриш. Шанба ва якшанбада кайфиятингизни туширмасликка ҳаракат қилинг.

**СУНБУЛА.** Ишбилармонлар учун омадли кун душанба. Сешанбада молиявий аҳволингиз яхшиланади. Чоршанба кунини алданиб қолманг. Пайшанбада ҳаётингизда қўтилмаган воқеа содир бўлади. Жума кунини қувонасиз. Шанбадаги хариддан кўнглингиз тўлади. Якшанбада яхши дам олинг.

**МЕЗОН.** Душанба кунини зиддиятлардан нари юргангиз маъқул. Сешанбада соғлиқ-кайфиятингиз яхши эмас. Чоршанба кунини муҳим ишларга қўл урманг. Пайшанбадан янгилик кутинг. Жумада бойийсиз. Шанба янги битимлар имзолаш учун кулай кун. Якшанба кунини алданиб қолманг.

**АҚРАБ.** Душанбада кайфиятингизни туширманг. Сешанба яқинлар даврасида ўтади. Чоршанбада ишлар о'кей. Дам олиш учун кулай кун пайшанба. Жумадан хушхабар эшитасиз. Шанба кунини ижод қилинг. Якшанбада асабийлашманг.

**ҚАВС.** Ҳафта бошида қувонасиз. Сешанба кунини спорт билан шуғулланинг. Чоршанба ва пайшанбада кўпдан кутаётган одамнингиз билан дийдорлашасиз. Ҳамкорлар билан учрашувни жумага қолдириш. Шанбада соғлигингизни авайланг. Якшанба кунини сизни сўроқлашади.

**ЖАДЙ.** Молиявий аҳволингиз душанбада яхшиланади. Сешанба кунини асабийлашманг. Чоршанбадан янгилик кутинг. Пайшанбада бойийсиз. Жума хайрли кун. Дам олиш кунларинидаги хариддан кўнглингиз тўлади.

**ДАЛВ.** Душанбада алданиб қолманг. Сешанба кунини чўнтагингиз қаппаяди. Чоршанбада муҳим ҳаётини масалаларни ҳал этасиз. Жума кунини зиддиятлардан нари юринг. Шанбада сизни сўроқлашади. Якшанба кунини бозорингиз бароридан келади.

**ХУТ.** Ҳафта боши сизни сирли учрашувга таклиф этади. Сешанба ва чоршанба энг омадли кунлар. Пайшанбада муҳим янгиликдан хабардор бўласиз. Жума кунини асабни асранг. Шанбада кўнглили хордиқ чиқарасиз.

## Сиднейга яна икки йўлланма

Таиландда Сидней Олимпиадаси ўйинларига йўлланма учун бокс бўйича халқаро саралаш турнири ниҳоясига етмоқда. Турнирда Осие мамлакатларининг 18 нафар кучли спортчиси иштирок этмоқда.

Мусобақанинг финал босқичига чиққан икки ҳамюртимиз - Дилшод Ёрбеков билан Ўткирбек Ҳайдаров турнир натижасидан қатъи назар Сиднейда бўлиб ўтадиган ёзги Олимпия ўйинларига бериладиган йўлланмани қўлга киритди.

## Дэвис кубоги — Тошкентда

Тошкентдаги "Юнусобод" спорт мажмуида 7 апрелдан 9 апрелгача Янги Зеландия ва Ўзбекистон теннисчилари ўртасида Дэвис кубоги учун саралаш учрашуви ўтказилади. Пойтахтдаги "Шератон" меҳмонхонасида учрашувга қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

Мусобақани ўзбекистонлик Олег Огородов билан Янги Зеландиялик Алистар Хант бошлаб беради. Кейин Вадим Куценко Марк Нельсен билан учрашади.

Мусобақанинг иккинчи кунини ўзбекистонлик иккилик Олег Огородов ва Дмитрий Томашевич Марк Нельсен ва Алистар Хант билан беллашади.

Мусобақа якунида иккала жамоанинг етакчи ўйинчилари - Олег Огородов Марк Нельсен билан, иккинчи ўйинчилар - Вадим Куценко Алистар Хант билан куч синашади.

Мусобақа шанба кунини тантанали равишда очилади.

Янги Зеландия жамоаси сардори Глен Уилсон журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, ўзбекистонлик теннисчилар бугунги кунда жиддий рақиб эканлигини таъкидлаб ўтди. Лекин бизнинг жамоамиз ҳам яхши тайёргарлик кўрган ва галабага эришиш учун бор маҳоратини ишга солади, деди у.

## Билярд бўйича биринчи чемпион

Урганчда билярд бўйича биринчи Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда республикамизнинг 24 нафар кучли спортчиси қатнашди.

Уч кун давом этган кескин курашлар натижасига кўра, фарғоналик Зафар Ҳамидов билярд бўйича Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони бўлди. Иккинчи ўринни тошкентлик Усмон Ҳакимов, учинчи ўринни урганчлик Ҳамро Отамуротов ва Комил Алиев эгаллади. Спорт маҳорати учун бериладиган совринни хоразмлик Отабек Садриддинов қўлга киритди.

— Ўзбекистон чемпионати Урганч қурилиш коллежининг ажойиб залида ўтказилди, - дейди Билярд спорти федерациясининг бош қотиби Наталья Глазкова. - Мутахассисларнинг фикрига кўра, маҳаллий билярд столларининг юқори сифати улардан турли тоифадаги турнирларда фойдаланиш имкониятини беради.

Билярд бўйича ўтказилган биринчи Ўзбекистон чемпионати бу спорт тури мухлислари сонини кўпайтириши шубҳасиз.

(ЎЗА)

## Кўр кўзининг очилиши

У ўрнидан туриб ҳаммани бир қатор сафланиб, сўнг исмини айтишини сўради. У буларнинг ҳаммасини яхши танийди, сўзларини эшитган, аммо бирор марта ҳам кўрмаган. Ҳатто хотини Сатурнина ва тўрт нафар болалари ва 22 невараларини ҳам.

Етмиш саккиз ёшли испан Антонио Санчес-Мигальон бундан қирк уч йил муқаддам вино заводида бўлган энгин оқибатида кўздан айрилган эди. У тўсатдан қандай кўр бўлиб қолган бўлса, худди шундай қўтилмаган ҳолатда ёруғ оламни кўрди. Антонио амакини шифокорлар жарроҳлик столига таклиф этганида аввалига у мўъжиза рўй беришини кутмаган эди. Шунча замондан буён тузалмаган кўзи ёруғ оламни кўришига ишонмади. Аммо сўнгий кўз қорачикларини ўрнатиш муваффақиятли амалга ошди. Антонио ойнага қараб, кўнгли чўқди ва мен ўзимни шунчалар қариб, чол бўлиб кетган деб ўйламаган эдим, деди. Хотини эса аксинча, чолнинг кўзи очилиб янада кўркам ва дилкаш бўлиб кетди, деди севинчини ичига сиғдирилмай.

## Дунёнинг чопқирри

Британиялик Роберт Гарсайд беш йилда бутун ер шарини чопиб ўтишга аҳд қилган. У яқинда Венесуэла пойтахти Каракас шаҳрига етиб келди. Уч йил ичида тинчимаган бу йигит 32 минг чақирим йўлни босиб ўтди. Йигирма бешта мамлакатда бўлди.

Ҳали қирк ёшга ҳам етмаган жасур йигит тоғу тошлардан, чўлу биёбонлардан якка-ёлғиз пиёда ўтиб, инсон организми жуда катта куч-қудрат ва сабр-тоқатга эга эканлигини намойиш этмоқда.

— Олдинда яна икки йиллик масофа қолди, - дейди Роберт. - Сўнг ватанимга қайтиб боргач, дунёни кезиб кўрган-кечирганларим ҳақида китоб ёзаман.

### Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ  
«КАМОПОТ» ЖАМГАРМАСИ


Бош муҳаррир  
вазифасини бажарувчи  
Лайло КАРИМОВА

Навбатчи муҳаррир  
Гулнора ХОЛБЕКОВА



### Таҳририят:

Бош муҳаррир — 133-89-61  
Қабулхона — 136-59-38  
Хатлар бўлими — 133-79-69



### Манзилимиз:

700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32—уй  
Таҳририятга юборилган материаллар қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан  
фарқланishi мумкин.